

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ – ФУҚАРО – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТНИНГ ОҚИЛОНА ВА АДОЛАТЛИ ХУҚУҚИЙ ЕЧИМИ

Боқубаев Комил Юлчибаевич

Қўқон давлат университети ассистенти.

94-023-07-13

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари мустақамлаб қўйилган. Бунда Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишига, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишига мажбурликлари, Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлашлари ва шунингдек тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилиниши, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ва бошқа хил мажбуриятлари ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: *ҳуқуқ, бурча, эркинликлар, дунё, конституция, референдум, инсон, мақом, муҳокама, худуд, мамлакат, сиёсий, демократик ислохотлар, улкан бунёдкорлик, ободонлаштириши ишлари, бандлик, табақалашув, юридик, жамиятэтироф, мукаммал, наир, фармойиши, фуқаро, шаън, қадир-қиммат, обрўй, мустақам, деклорация, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, инновация, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий тарғибот, фуқаро.*

АННОТАЦИЯ

Данная статья подготовлена на основе Конституции Республики Узбекистан (глава XI) в новой редакции, в которой закреплены обязанности граждан. Граждане обязаны соблюдать Конституцию и законы, уважать права, свободы, честь и достоинство других людей, Граждане обязаны сохранять историческое, духовное, культурное, научное и природное наследие народа Узбекистана, а также обеспечивать охрану государством исторического, духовного, культурного, научного и природного наследия, бережно относиться к окружающей среде и выполнять другие обязательства.

Ключевые слова: *закон, угол, свободы, мир, конституция, референдум, человек, статус, обсуждение, территория, страна, политика, демократические реформы, великое творчество, работы по улучшению, занятость, стратификация, правовой, общественное признание, совершенный,*

порядок, гражданский, честь, резьба, демократические реформы. сознание, правовая культура, инновационное юридическое сообщество, правовая пропаганда, гражданин.

ABSTRACT

This article is prepared by the Constitution of the Republic of Uzbekistan (chapter XI) and the new edition, which is the obligation of the citizen. Civil duty to obey the constitution and law, respect for rights, freedom, honor and friendship with other people, It is the citizen's duty to preserve the historical, spiritual, cultural, scientific and natural heritage of the nation of Uzbekistan, as well as to protect the historical, spiritual, cultural, scientific and natural heritage of the state, to care for the environment and to fulfill other obligations.

Key words: *law, role, freedoms, world, constitution, referendum, human, status, discussion, territory, country, political, democratic reforms, great creativity, beautification works, employment, classification, legal, society recognition, perfect, publication, order, citizen, honor, dignity, reputation, strong, declaration, legal consciousness, legal culture, innovation, civil society, legal promotion, citizen.*

КИРИШ

Маълумки Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб, инсон ва фуқароларга муносаб турмиш тарзини ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Янги Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олди. Янги Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди. Кўхна заминимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ишонч, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантлиқ каби улуғ хислатлар Янги Конституцияда чуқур ва муносиб ўрин олган. У умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, биродарлик, ҳамжихатлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади. Узоқ асрлар давомида минглаб қоидалар ва низомлардан жамият ўзи учун асосий ва ўта муҳимларини танлаб олди. Айнан ана шу танлаб олинган қоидалар Конституциямиз яратилишига пойдевор бўлди. Конституцияда баён этилган тушунчалар шу қадар аҳамиятлики, ҳеч бир одам уларсиз яшай олмайди, негаки инсоннинг ҳар куни дуч келадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган фаолияти кўпинча давлатимизнинг асосий қонунига киритилган қоидалар ва моддаларга боғлиқдир. Ўзбекистон мустақилликка

эришгач, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва халқни фаровон ҳаёт сари олиб бориш каби буюк мақсадларни ўз олдига қўйди. Янги Конституция муқаддимасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний кадрларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатини намоён қилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий кадрлар хисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, давлатимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон ҷивелизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат намоён этиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлаш мақсадини ўз олдига қўйган. Ушбу мақсадларни қўллаб қабул қилинган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бугунги кунда мамлакатимизда суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётимиз ривожини ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий ҳуқуқий кафолати бўлиб келмоқда. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлаш демократик ислохотлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, рўй бераётган барча ўзгариш ва янгиланишлар асоси, миллий қонунчилигимиз пойдевори бўлган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳон ҳамжамиятида замонавий демократик қонунчилик намунаси сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда давлатни жамиятга, халққа хизмат қилувчи институтга айлантириш, унинг фаолиятини қонунларга таяниб қуришга қаттиқ киришилганлиги яққол кўриниб турибди. Фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ва адолатли ҳуқуқий ечими Конституциядир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ПФ-4947-сон 2017 йил 7 февраль, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

фармонида таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Конституциямизга таянган ҳолда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот, давлатимиз чегаралари дахлсизлиги, жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий йўналиш ва вазифалар эса Конституцияда мустаҳкам қўйилган демократия ва инсонпарварлик, халқчилликка суғорилган меъёрларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган бўлиб, Бош қомусимизда тажассум топган эзгу ғояларни рўёбга чиқаришнинг ўзига хос механизmidир. Ҳар икки ҳужжатнинг замирида демократик кадриятларнинг устуворлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш олий кадрият саналиши, ҳокимиятнинг манбаи эса фақатгина халқ эканлиги каби қоидалар турибди. Конституцияда ана шу тамойиллар концептуал жиҳатдан белгиланган бўлса, Ҳаракатлар стратегиясида концептуал нормалар ижросини таъминлашнинг изчил механизми кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида Муҳтарам Президентимиз “Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ” деб таъкидлаб, ушбу йўналишда келгуси йилдан бошлаб Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси учун ҳам муҳим вазифани белгилаб бердилар. Яъни, “Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

ХУЛОСА

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор” дедилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида ҳам нодавлат ноижорат ташкилотлар жамоатчилик назоратининг асосий субъектларидан бири сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назарда, жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳар бир фуқаро билан бир қаторда нодавлат ноижорат ташкилотлар вакилларининг ҳам фаол бўлишини таъминлашни конституциявий бурчимиз ва мажбуриятимиз деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (ЎзРнинг 24.04.2003 йилдаги 470-II-сон қонуни таҳририда). - Тошкент.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Тошкент, 1996.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. - Тошкент, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарафий кафолатлари. - Тошкент, 1997.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Тошкент, 2000.
6. Гулнафис Худайбердиева Навоий вилоят суди судяси “Конституция-янги тамойиллар ва ислохотлар”.
 - а. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 сентябрдаги «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорликтижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ТАСИС дастурининг иссиқлик билан марказлаштирилган услуда таъминлашни реконструкция қилиш бўйича ҳисоботи. Тошкент, 2002 йил.
8. “Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқишга доир умумий тадқиқотлар” лойиҳаси бўйича ҳисобот материаллари. БМТТД. Лойиҳанинг 2-йўналиши бўйича ҳисобот. Тошкент, 2005 йил.
 - б. “Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқишга доир умумий тадқиқотлар” лойиҳаси бўйича ҳисобот материаллари. БМТТД. Лойиҳанинг 3-йўналиши бўйича ҳисобот. Тошкент, 2005 йил.
9. www.meningkonstitutsiyam.uz интернет порталидан.